O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2008 йил 24 май ШАНБА • № 40 (12.051)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

2008 йил – Ёшлар йили

## НУРЛИ ИСТИҚБОЛ КУТМОҚДА СИЗНИ!

**ҲАЁТДА шундай кунлар бўладики, у бир умрга ёдда қолади. Бу мактабда кечган ширин дамлар. Ўша ўқувчилик онлари. Дарсдаги шўхликлар, отадек азиз бўлиб қолган устозларнинг бебаҳо сабоқлари ёки йиллаб бир партада ўтирган синфдош – сирдош. Буларни унутиб бўладими? Ҳар йили сўнгги қўнғироқ жаранги ана шу ширин хотираларни яна эсга солади.**

Бугун эрта тонгдан барча умумтаълим мактабларида 2007-2008 ўқув йилининг якунига бағишланган тадбирлар сўнгги қўнғироқ билан бошланади. Анъанага айланган бу тадбир Ёшлар йилида янада жўшқинроқ тус олди. Бу кун айниқса, 9-11-синф битирувчилари учун энг аҳамиятли, қувончли ва унутилмас кундир. Шу куни болаларда жонажон ва қадрдон мактабга муҳаббат, устозларга ҳурмат туйғулари, буюк келажак сари қадам ташлашдек ҳаяжонли ва шарафли ҳиссиётлар, айниқса, ёрқин намоён бўлади. Улар мана шу кундан эътиборан мустақил келажак, илм ва ҳунар оламига одим ташлайдилар.

Бугун вилоят умумтаълим муассасаларида "Сўнгги қўнғироқ" тадбири юқори савияда ўтказилишига алоҳида тайёргарлик кўрилди. Эрта тонгда вилоятдаги 893 та умумтаълим мактабида сўнгги қўнғироқ чалинади.

– Кечагина биринчи қўнғироқ садолари остида мактаб остонасини ҳатлаган вилоятимиздаги 51 минг 429 нафар 9-синф битирувчилари таълимнинг кейинги босқичига қадам қўйишган бўлса, 11 минг 219 нафар 11-синф битирувчилари мустақил ҳаётга йўлланма олишади, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси мактаблар бўлимининг бошлиғи Фотима Жўраева. – Бу йил 9-синфни битираётган 1078 нафар ўқувчиларимиз ўз билимларини академик лицейларда, 36600 нафари касб-ҳунар коллежларида давом эттиради.

Биз бугун мустақил ҳаётга қадам ташлаётган барча битирувчиларимизга оқ йўл тилаймиз.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**





СУРАТЛАРДА: Тошкент туманидаги 17-умумтаълим мактабида сўнгги қўнғироқ шундай ўтади.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдидан

## ПОЙТАХТИМИЗ ТАРИХИГА БАҒИШЛАНДИ

**ТОШКЕНТ шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

"Ёшлар йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган мазкур анжуманда олимлар, ўқитувчилар, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, халқимизнинг ғурур ва ифтихори бўлмиш Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихи ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган "Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори пойтахтимиз тарихини мукаммал ўрганишда муҳим омил бўлмоқда. Айни пайтда ушбу қарор Тошкентнинг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини кучайтиришга хизмат қилади.

Анжуманда пойтахтимиз ва унга яқин ҳудудлардаги тарихий ёдгорликларни ўрганиш, тадқиқ этиш, асраб-авайлаш борасидаги ишларга оид маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ЁШ ТАДБИРКОР – ЭЛГА МАДАДКОР

**"КАМОЛОТ" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамда "Микрокредитбанк" вилоят бошқармаси ўзаро ҳамкорликда "Ёш тадбиркор – элга мададкор" қўшма лойиҳасини амалга оширмоқда.**

Лойиҳанинг асосий мақсади "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги Қонун ҳамда мамлакатимиз Президентининг "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга қаратилган. Бунинг учун ёшлар манфаатларини ҳимоялашда ҳамда ҳаракат аъзоларининг тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш, уларга имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, ёшлар ўртасида бандлик муаммосини ҳал этиш борасида ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Ушбу лойиҳа доирасида жойларда ўз фаолиятини бошламоқчи бўлган ёш тадбиркорлар учун ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Уларга кредит олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар, ажратиладиган микролизинг хизматларининг турлари ҳамда фаолиятни давлат рўйхатидан ўтказиш борасида маслаҳатлар берилмоқда. Жумладан, бундай семинарлар Ангрен, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Зангиота, Чиноз, Ўртачирчиқ туманларида навбатма-навбат ўтказиб келинаяпти.

Шундай семинарлардан бири Ангрен шаҳар ҳокимлиги биносида ўтказилди. Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларига 2008 йилда микромолиявий хизматлар кўрсатиш суръатларини ошириш юзасидан ташкил этилган мазкур семинарда ёш тадбиркорлар билан бир қаторда шаҳар маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, "Микрокредитбанк" марказий бошқаруви ва вилоят филиали вакиллари қатнашди. Семинар якунида иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди.

Келгусида бундай машғулотларни мунтазам ўтказиш ҳақида келишиб олинди.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

Тадбир

**ПРЕЗИДЕНТ Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ва "Ёшлар йили" Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида жойларда қатор тадбирлар ўтказилмоқда.**

## ИСТЕЪДОД ЭЪТИРОФИ

Ангрен шаҳридаги вилоят давлат педагогика институтида ўтказилган "Зулфия издошлари" ҳамда "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" деб номланган кўрик-танловлар ана шундай саъй-ҳаракатлардан бири бўлди. Йилдан-йилга сафи кенгайиб бораётган Зулфия номидаги давлат мукофотига номзодлар орасида булбулдек ширали овоз соҳибалари, нафасидан шоирликнинг эпкини сезилиб турган, ҳар каломи маънавият китобига нақш бўлгудек, чеварлигу пазандаликда тенгқурларига ибрат, изланишлари туфайли кашфиётлар эшигига калит солгудек оқила, билимдон қизларимиз борлигидан кўнглимиз ғурур ва ифтихорга тўлади. Бундай комила қизлар эса айнан мана шундай тадбирларда, танловларда, беллашувларда кашф этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, танловнинг адабиёт йўналиши бўйича иштирок этган Наргиза Шаларованинг халқ оҳангида ижро этган "Ёрни кўринг" ашуласи, Муқаддам Хожаахмедованинг Навоий ғазали билан айтиладиган "Жоним фидо" қўшиғи, маданият йўналишида иштирок этаётган Бахтинисо Нормирзаеванинг мустақил Ўзбекистон мадҳига бағишланган жўшқин ўланлари дилингиз торини чертиб, қалбингизни завқу шавққа тўлдиради. Дўппидўз қизларнинг ўзбек дўппилари ҳақидаги ёрқин чиқишлари ҳам шавқингизни уйғотади. Тиккан кашталаридан кўзингиз қамашади. Уларнинг устози Гулбара Йўлдошеванинг шогирдлари қаторида ҳаяжондан энтикиб, ёниб-куйиб айтган шеърларига бир муддат лол қоласиз.

Бу ҳақда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Акбарова шундай дейди:

– Бугунги танловда иштирок этаётган қизлар сўзсиз ҳаммамизда яхши таассурот қолдирди. Шу залда ўтирганларнинг ҳар бирида қандайдир истеъдод яширин. Уларни вақтида пайқаб, мана шундай тадбирларда, саҳналарда ўзларини намойиш эта олишлари учун шароит яратиб бериш эса сизу бизнинг вазифамиз, бурчимиз. Келинглар, шундай қилайликки, қизларимиз саҳнага ўзларига ишонч билан чиқишсин. Албатта, бунда чуқур ва асосли билим, пухта тайёргарлик, ташқи қиёфа ва либосларга ҳам жиддий эътибор бериш лозим бўлади.

Зулфия издошлари клуби аъзоларига танловнинг кейинги босқичларида иштирок этувчи қизлар билан астойдил ишлаш лозимлиги уқтирилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**ЎРТАЧИРЧИҚ тумани корхоналарида Ёшлар йили муносабати билан ёш мутахассис ходимларга эътибор кучайтирилаяпти.**

## ИМКОНИЯТЛАР ПАЛЛАСИ

Яқинда электр энергия хизмати соҳаси бўйича саноат касб-ҳунар коллежини тамомлаган 3 нафар ёш мутахассис туман электр тармоқлари ташкилотига ишга қабул қилинди.

Ташкилотда меҳнат қилаётган ёш оилаларга уй жиҳозлари сотиб олишлари учун туман халқ банкидан истеъмол кредити олишга ҳам ёрдам берилаяпти.

Шунингдек, "Ўртачирчиқтумангаз" филиалида ҳам ёш ходимларга ҳамда ёш оилаларга имкон қадар ёрдам кўрсатилмоқда. "Ёшлар йили" дастурига мувофиқ янги турмуш қураётганларга жамоа шартномаси асосида энг кам иш ҳақининг 10 баравари миқдорида ёрдам пуллари берилаётир.

**Ашурали БОЙМУРОДОВ.**

Марафон

## КИТОБ – ИЛМ ВА ТАФАККУР КАЛИТИ

**ЗАНГИОТА тумани ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ҳамда қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс маркази ҳамкорлигида "Китоб мўъжизага чорлайди" мавзуида марафон ўтказилди.**

Тадбирда Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али, шунингдек, "Ёш куч", "Ғунча" журналлари ҳамда "Туркистон", "Маърифат" газеталари таҳририяти, касб-ҳунар таълими маркази, республика Миллий, Педагогика, Болалар кутубхоналари вакиллари китоб илм ва тафаккур калити, катта маънавий хазина эканлиги хусусида фикр юритишди.

Китобхонлар учун "Ўзбекистон", "Шарқ", "Китобсавдо" нашриёт-савдо марказлари томонидан китоб савдолари ташкил этилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

«Оламни асранг, дўстлар!» танловига

## ЧИЛ ҚАМИШ – ҚИРҚ ҚАМИШ

**БОРДОНКЎЛДА, катта йўлнинг ёқасида маҳаллий аҳоли қамиш ва ундан ясалган маҳсулотлар билан савдо қилади. Вилоятимизнинг Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон дарёлари яқинидаги ҳудудларида ҳам шундай муваққат савдо расталари пайдо бўлган. Кейинги йилларда қурилиш моллари бозорларида ҳам қамиш, қамиш маҳсулотларига бўлган талаб ортиб бормоқда. Бу ҳам майли, ҳамкасбларимиз оҳангаронлик бир тадбиркор аёл қамишдан тўқилган бежирим маҳсулотларини хорижга экспорт қилаётгани ҳақида ҳаяжон билан ёзишди.**

Яқинда бордонкўллик фермер танишим янги қурган уйига таклиф қилди. Оҳори тўкилмаган бино. Бир қаватли иморат қадди кўтариб қурилган. Ҳовлида замонавий услубдаги ҳовуз, унинг чеккасида бир туп қамиш ўстирилган. У эшикдан кирган одамнинг беихтиёр эътиборини тортади. Бунда ҳам қандайдир маъно бордек кўринади.

– Қирқ туп қамиш экканман, – дея изоҳ беради хонадон соҳиби, – болалигимда бувим ўзининг ўгай акасига узатилмоқчи бўлган қиз ҳақидаги чўпчакни ашула қилиб айтиб берар эдилар. Эртакни мен йиғлаб-йиғлаб тинглар эдим. Сўзлари, оҳанги ҳануз ёдимда: "Очил, очил, чил қамиш, мен қизимни кўрайин, дийдорига тўяйин". Чил қамиш – қирқ қамиш. Бу эртакдан олган ҳайрат ва ҳаяжоним рамзи...

(Давоми 2-бетда).

2008 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

**ҚОРАҚАЛПОҚ диёрида 4 кун давом этган катта спорт байрами – касб-ҳунар коллежлари ҳамда академик лицейлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод – 2008» мусобақалари ниҳоясига етди. У айрим жамоаларга шода-шода медалларни тақдим этган бўлса, бошқа жамоа аъзолари учун катта тажриба мактаби бўлди. Зеро, ким бу майдонга қандай куч ва салоҳият билан тушган бўлса, шунга яраша натижа кўрсатади.**

## ТААССУРОТ ВА САБОҚЛАР

Хўш, бу мусобақалар вилоятимиз вакилларига нима берди? Умуман олганда, уларнинг иштироки қандай бўлди? Ана шу саволларга атрофлича жавоб олиш мақсадида терма жамоамиз аъзоларини кутиб олиш маросимида қатнашдик.



Пойтахт темир йўл вокзали ранго-ранг гуллар ҳамда шарлар билан безатилган. Даъваткор шиорлар маросимга байрамона руҳ бағишлайди. Карнай-сурнай садолари остида вагонлардан бирин-кетин вакилларимиз тушиб келишмоқда. Спортчиларнинг ўзаро дўстона суҳбатлашишини кўриб, уларни бир жамоа деб ўйлайсан, киши. Аслида улар Тошкент шаҳри ва вилояти терма жамоалари аъзоларидир. Уларни фақат кийим-бошларидан фарқлаш мумкин. Шунинг ўзи ҳам бундай мусобақалар ёшлар учун дўстлик ва бирдамлик айёмига айланганини англатади.

(Давоми 4-бетда).

